

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

**DSc.06/2025.27.12./Tib.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮСУПХОДЖАЕВА СУРАЙЁ ТЎЛҚИН ҚИЗИ

**РЕВМАТОИД АРТРИТДА ХАВОТИР-ДЕПРЕССИВ
БУЗИЛИШЛАРНИНГ КЛИНИК СТРУКТУРАСИ ВА КОГНИТИВ-
БИХЕВИОРАЛ ПСИХОТЕРАПИЯНИНГ АҲАМИЯТИ**

19.00.04 –Тиббий психология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) Диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of dissertation for the doctor of philosophy(PhD)

Юсупходжаева Сурайё Тўлқин қизи

Ревматоид артритда хавотир-депрессив бузилишларнинг клиник
структураси ва когнитив-бихевиорал психотерапиянинг аҳамияти..... 3

Юсупходжаева Сурайё Тулқин кизи

Клиническая структура тревожно-депрессивных расстройств при
ревматоидном артрите и значение когнитивно-поведенческой
психотерапии..... 23

Yusupkhodjayeva Surayyo Tulqin qizi

Clinical Structure of Anxiety-Depressive Disorders in Rheumatoid Arthritis
and the Significance of Cognitive-Behavioral Psychotherapy..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 48

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

**DSc.06/2025.27.12./Tib.01.04 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮСУПХОДЖАЕВА СУРАЙЁ ТЎЛҚИН ҚИЗИ

**РЕВМАТОИД АРТРИТДА ХАВОТИР-ДЕПРЕССИВ
БУЗИЛИШЛАРНИНГ КЛИНИК СТРУКТУРАСИ ВА КОГНИТИВ-
БИХЕВИОРАЛ ПСИХОТЕРАПИЯНИНГ АҲАМИЯТИ**

19.00.04 –Тиббий психология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги олий аттестация комиссиясида B2026.1.PhD/Tib7025 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashmeduni.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ибодуллаев Зарифбой Ражабович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Магзумова Шахноза Шахзадэевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Акбарходжаева Зиёда Абдулхаевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини
ривожлантириш маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университетида DSc.06/2025.27.12.Tib.01.04 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2026 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+998 71) 150–78–28, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университетида Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (99871) 214-82-90.

Диссертация автореферати 2026 йил «_____» _____ да тарқатилди.

(2026 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Ж. Матмуродов

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

Р.Б. Азизова

Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш котиби, тиббиёт фанлари
доктори, доцент

Д.К. Хайдарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги бир марталик илмий семинар
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун дунёда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, “...ревматоид артрит сурункали яллиғланиш ва аутоиммун жараёнлар билан кечувчи энг кенг тарқалган тизимли ревматологик касалликлардан бири ҳисобланади”¹. Унинг тарқалиш даражаси турли мамлакатлар ва популяцияларда ўртача 0,5-1,2% ни ташкил этиб, асосан меҳнатга лаёқатли ва ижтимоий фаол ёшдаги аҳоли қатламини зарарлаши билан катта тиббий-ижтимоий аҳамият касб этади. Сўнгги йилларда ўтказилган халқаро тадқиқотлар натижаларига кўра, ревматоид артрит билан оғриган беморларнинг 30-42% қисмида хавотир ва депрессив бузилишлар клиник даражада кузатилиши аниқланган бўлиб, бу кўрсаткич умумий популяцияга нисбатан бир неча баробар юқори эканлиги қайд этилмоқда. Мазкур психосоматик коморбидлик касаллигининг клиник кечишини оғирлаштириб, оғриқ синдромининг кучайишига, даволаш самарадорлигининг пасайишига, ижтимоий мослашувнинг бузилишига ҳамда беморлар ҳаёт сифатининг сезиларли даражада ёмонлашишига олиб келади.

Жаҳонда ревматоид артрит билан оғриган беморларда психоэмоционал бузилишларни эрта аниқлаш, оғриқ синдроми, чарчоқ, уйку бузилиши ва ҳаёт сифати пасайиши билан боғлиқ ҳолда комплекс баҳолашга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Халқаро амалиётда ревматоид артритни фақат бўғим яллиғланиши сифатида эмас, балки психосоматик ва ижтимоий оқибатларга эга сурункали касаллик сифатида ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, Европа ва АҚШ ревматологик марказларида ревматоид артрит билан оғриган беморларда психик ҳолатни HADS, PHQ-9 ва SF-36 шкалалари орқали мунтазам мониторинг қилиш ҳамда индивидуал психотерапевтик ёндашувларни қўллашга қаратилган клиник дастурлар жорий этилмоқда. Замонавий тадқиқотларда хавотир, депрессия, когнитив бузилишлар ва чарчоқ синдромининг касаллик фаоллиги, оғриқни қабул қилиш, функционал чекланиш ва даволашга риоя қилиш даражасига таъсири ўрганилмоқда. Шунингдек, КБТ, беморларни ўқитиш дастурлари, стрессни бошқариш, оғриқни психологик назорат қилиш ва мултидисциплинар реабилитация усуллари базис терапия билан бирга қўллаш самарадорлиги баҳоланмоқда.

Мамлакатизмизда тиббиёт тизимини замон талаблари асосида такомиллаштириш ва тиббий ёрдам сифатини янада юқори босқичга кўтариш билан бир қаторда, аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш, руҳий хасталиклар оқибатида юзага келадиган оғир асоратлар, сурункали ногиронлик ҳамда ўлим кўрсаткичларини сезиларли даражада камайтиришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар тизимли равишда олиб борилмоқда. Бу борада «...аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш, руҳий касалликларни эрта аниқлаш ва ташхислаш, уларни сифатли даволаш бошқарув тизимини такомиллаштириш, фан ва кадрлар

¹ <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/rheumatoid-arthritis>

салоҳиятини ошириш, психиатрия муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва аҳоли учун ўз вақтида психиатрия ёрдамини ташкил этиш...²» каби вазифалар белгиланган. Мазкур мақсадларга эришиш, хусусан, ревматоид артрит билан хасталанган беморларни мажмуавий даволаш тизимига янгича ёндашиш ҳамда замонавий дори воситалари билан бирга психокоррекцион усулларни кенг татбиқ этиш ихтисослашган ёрдам сифатини оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, беморларга ўз вақтида кўрсатиладиган тиббий-психологик кўмак уларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичларини сезиларли даражада яхшилашда бош омил бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлиқни сақлаш тизимини изчил ривожлантириш ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишга қаратилган ҳужжатлари, жумладан, 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ҳамда 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сон “Тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш учун зарурий шароитларни яратиш ва соғлиқни сақлаш тизимида амалга ошириладиган ислохотларни босқичли давом эттириш тўғрисида”ги фармонларида белгиланган мақсадлар мазкур изланишнинг асосий йўналишлари билан чамбарчас боғлиқдир. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 28 июлидаги ПҚ-5199-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ички ихтисослаштирилган тиббий ёрдам тизимларини келгусида такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари, қолаверса, соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўтказилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда ревматоид артритнинг (РА) нафақат клиник кечиши ва иммунологик хусусиятлари, балки психологик ва психопатологик жиҳатлари ҳам илмий тадқиқотларнинг марказида турибди. Хорижий адабиётларда РА беморларида психоэмоционал бузилишларни коррекция қилиш масаласи кенг тадқиқ қилинган. Miller A.H., Maletic V., Raison Ch.L. (2023), Navarrete N. (2024) каби муаллифларнинг ишлари РА беморларига психотерапия ва психологик қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш уларнинг ҳаёт сифатини яхшилашини, ижтимоий мослашувни кучайтиришини ҳамда умумий соғлиғини яхшилашини кўрсатган. Seu T.M.,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-196-сон “Аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори

Peralta-Ramirez M.I., Sabio-Sanchez J.M. (2023) тадқиқотларида РА беморларида психоэмоционал бузилишларни камайтиришда когнитив-бихевиорал психотерапия ва психоанализ элементлари самарали эканлиги илмий жиҳатдан тасдиқланган.

Россия олимлари олиб борган тадқиқотларда ҳам психоэмоционал бузилишлар кенг ёритилган. Масалан, Абрамкин А.А. (2020) “РА нинг кечиши коморбид рухий бузилишлар динамикасига боғлиқ” мавзусидаги диссертациясида рухий бузилишлар (жумладан, хавотир ва депрессия) РАнинг клиник динамикаси, хуружлар частотаси, ҳаёт сифати ва даво самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатишини асослаб берди. Шунингдек, Амирджанова В.Н. (2022) РА беморларида ҳаёт сифатини баҳолаш методологияси бўйича изланишларида депрессия ва хавотир кўрсаткичлари ҳаёт сифатини сезиларли даражада пасайтиришини ва терапия натижаларини баҳолашда инobatга олиниши лозимлигини қайд этган. Никитина Н.М., Егорова Е.В., Богдалова Л.Р., Гаврищук В.П., Зиядуллаев Ш.Х., Ребров А.П. (2022) томонидан олиб борилган тадқиқотларда эса РА билан оғриган 163 аёл иштирокида клиник даражадаги хавотир ва депрессия симптомлари аниқланиб, улар оғриқ даражаси, яллиғланиш маркерлари ва ҳаёт сифатининг пасайиши билан кучли коррелятсия қилган.

Республикада бир қатор олимлар ҳам ревматоид артритга хос психоэмоционал бузилишларни тадқиқ этишга ўз ҳиссаларини қўшишган. Жумладан, С.И. Садикова (2023) РА беморларида психосоматик бузилишлар ва уларнинг реабилитациясини ўрганган. У медикаментоз ва психотерапевтик ёндашувларни ўз ичига олган комплекс реабилитация дастурларининг самарадорлигини асослаб берган. Мелибаева Р.Н. ва Нарметова Ю.К. (2024) ўз илмий изланишларида тиббий психологик диагностиканинг назарий ва амалий жиҳатларини чуқур ўрганиб, клиник амалиётда қўлланиладиган диагностика воситаларининг психометрик мезонларини такомиллаштиришга катта ҳисса қўшишган. Олималарнинг илмий ишлари тиббий диагностика жараёнида замонавий баҳолаш усулларини жорий этиш, беморнинг психоэмоционал ҳолатини комплекс таҳлил қилиш ҳамда ташхис қўйишда илмий асосланган ёндашувни шакллантиришга хизмат қилади. Шу сабабли, ревматоид артритда хавотир-депрессив бузилишларни тизимли равишда ўрганиш, уларнинг клиник ва психологик кечишдаги ўрнини аниқлаш, шунингдек, психотерапевтик ёндашувларнинг самарадорлигини баҳолаш илмий ва амалий жиҳатдан долзарб масала ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг 01.110.0158 «Неврология ва тиббий психологиядаги бузилишларнинг клиник-ижтимоий тадқиқотлари» мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ревматоид артрит билан касалланган беморларда хавотир-депрессив бузилишларнинг клиник структурасини ҳамда уларда когнитив-бихевиорал психотерапия усулини қўллаш орқали давони

такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ревматоид артрит билан хасталанган беморларда хавотир-депрессив симптомларнинг клиник хусусиятларини махсус психодиагностик тестлар ёрдамида баҳолаш ва уларнинг оғирлик даражаларини аниқлаш;

хавотир-депрессив бузилишлар билан кечувчи ревматоид артритли беморларда ҳаёт сифати кўрсаткичларини SF-36 шкаласи ёрдамида комплекс баҳолаш;

ревматоид артрит касаллигида аниқланган хавотир-депрессив бузилишларни коррекция қилишда когнитив-бихевиорал психотерапия усуллари орқали даволаш самарадорлигини баҳолаш;

ревматоид артрит аниқланган беморларга тиббий-психологик ёрдам алгоритминини когнитив-бихевиорал терапия усули асосида такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2021 йилдан 2023 йилгача бўлган давр оралиғида Тошкент давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникасининг ревматология бўлимида ревматоид артрит ташхиси билан стационар даво олган 105 нафар беморларни ўз ичига олади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлардаги клиник ва психоэмоционал ҳолат хусусиятлари, уларнинг ҳаёт сифатини объектив ҳамда субъектив тарзда баҳолаш мезонлари, шунингдек, когнитив-бихевиорал терапия таъсирида мазкур кўрсаткичларнинг динамикада ўзгариш қонуниятлари белгиланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, беморларнинг руҳий статусидаги дастлабки ўзгаришларни аниқлаш ва соматик хасталикларда кузатиладиган психопатологик белгиларни тизимлаштиришда тиббий-психологик (З.Р.Ибодуллаев 2018 й, патент №001031) анкетадан, беморларда клиник ва субклиник даражада намоён бўлган хавотир ҳамда депрессия ҳолатларини таҳлил қилишда HADS (Hospital Anxiety and Depression Scale) “Хавотир ва депрессиянинг госпитал шкала”си, хавотирни ташхислаш мақсадида Спилберг-Ханин тести, беморларнинг жисмоний ва руҳий саломатлиги билан боғлиқ ҳаёт сифати кўрсаткичларини баҳолашда халқаро стандарт ҳисобланган SF-36 (Short Form Health Survey) сўровномасидан ва маълумотларни қайта ишлаш ва уларнинг ишончлилигини баҳолаш мақсадида математик-статистик усуллар қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ревматоид артрит билан касалланган беморларда хавотир ва депрессия даражасининг касаллик давомийлиги ($AUC=0,84$) ва касаллик фаоллиги (DAS28) билан ($AUC=0,79$) кучли боғлиқлиги ҳамда психоэмоционал бузилишлар ревматоид артритнинг клиник оғирлик даражасини баҳоловчи мустақил прогностик мезон эканлиги аниқланган;

ревматоид артрит фонида шаклланувчи психоэмоционал бузилишларнинг ҳаёт сифатининг кундалик фаолиятга эмоционал ҳолат таъсири (RE), руҳий саломатлик (MH), ҳаётини фаоллик (VT) ва ижтимоий фаолият (SF) кўрсаткичлари билан кучли тесқари корреляцион боғлиқлиги аниқланган;

ревматоид артрит билан оғриган беморларда когнитив-бихеворал психотерапияни қўллаш натижасида психоэмоционал симптомлар 42,6% га камайиши, оғрикни субъектив қабул қилиш кўрсаткичлари яхшиланиши ва мослашувчан копинг-стратегиялар шаклланиши исботланган;

ревматологик ва психотерапевтик ёндашувларнинг интеграциялашган мезони депрессив симптомлар частотасини 1,8 баробарга камайитириши, ҳаёт сифати индексини 27,3% га ошириши ҳамда беморларнинг функционал ва ижтимоий мослашувини яхшилаш имконини бериши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

ревматоид артрит билан касалланган беморларда хавотир-депрессив бузилишларни эрта аниқлаш имконини берувчи клиник-психологик кўрсаткичлар тизими шакллантирилиб, беморнинг соматик ҳолати (оғрик интенсивлиги ва ҳаракат чекланиши)га асосланган ҳолда яширин психоэмоционал бузилишларни дифференциал ташхислаш таклиф этилган.

ревматоид артрит беморларида аниқланган когнитив хатоларни бартараф этишга йўналтирилган, когнитив-бихевиорал психотерапия ва психофармакотерапияни интеграциялашган ҳолда қўллаш таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишда асос қилиб олинган назарий ёндашув ва принциплар, олиб борилган тадқиқотларнинг методологик жиҳатдан тўғрилиги, танланган клиник материал ҳажмининг етарлилиги, қўлланилган методларнинг замонавийлиги, ревматоид артрит билан хасталанган беморларда хавотирли-депрессив бузилишларни баҳолашда бир-бирини узвий тўлдирувчи клиник, психологик ва статистик таҳлил усулларида ўзига хос тарзда фойдаланилгани, олинган хулосаларнинг республика ҳамда чет эл илмий ютуқлари билан қиёслангани, шунингдек, чиқарилган якуний натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан расман тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олиб борилган тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ревматоид артрит билан оғриган беморларда хавотирли-депрессив бузилишларнинг клиник структураси тизимли равишда ўрганилиб, уларни эрта аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилган ҳамда психофармакотерапия билан биргаликда когнитив-бихеворал психотерапия усуллари қўллаш ревматоид артритни комплекс даволашнинг янги илмий асосланган ёндашуви эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан ревматоид артрит билан касалланган беморларда хавотирли-депрессив бузилишларни коррекция қилиш бўйича ишлаб чиқилган комплекс дастур клиник амалиётга жорий этилиб, психоэмоционал бузилишларни камайитириш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва мослашувчан когнитив стратегияларни шакллантириш имконини бериши, шунингдек, ишлаб чиқилган методик тавсияномалар даволаш самарадорлигини ошириш ҳамда беморларнинг ижтимоий фаоллигини тиклашга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ревматоид артритда хавотирли-депрессив бузилишларнинг клиник структураси ва когнитив-бихевиорал психотерапиянинг аҳамияти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: ревматоид артрит билан касалланган беморларда депрессия даражасининг касаллик давомийлиги ($AUC=0,84$) ва касаллик фаоллиги ($DAS28$) билан ($AUC=0,79$) кучли боғлиқлиги ҳамда психоэмоционал бузилишлар ревматоид артритнинг клиник оғирлик даражасини баҳоловчи мустақил прогностик мезон эканлиги асосланганлиги бўйича таклифлар «Ревматоид артрит касаллигида хавотирли-депрессив бузилишларни диагностикаси ва психотерапия алгоритми» номли услубий тавсиянома мазмунига киритилган (Тошкент тиббиёт академияси Илмий кенгашининг 2024 йил 31 январдаги 7-сон баённомаси). Ушбу таклифлар Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Миллий тиббиёт маркази амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2024 йил 10 февралдаги 09-13581-сон маълумотномаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* ревматоид артрит билан касалланган беморларда хавотирли-депрессив бузилишларни эрта босқичларда аниқлаш касалликнинг авж олишини ҳамда соматик ва психопатологик симптомларнинг зўрайишини олдини олишга хизмат қилган. Бу эса беморларда касалликка нисбатан адекват (мослашувчан) муносабатни шакллантириш, ижтимоий дезадаптация хавфини камайтириш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* ишлаб чиқилган диагностика ва даволаш алгоритмининг амалиётга татбиқ этилиши натижасида стационар даволаниш муддатини оптималлаштириш ва тақрорий госпитализациялар сонини камайтириш ҳисобига бир нафар бемор учун ўртача 2100000 сўм миқдорида иқтисодийберди. *Хулоса:* ревматоид артритда психоэмоционал бузилишларни эрта босқичларда аниқлаш ва уларни мақсадли коррекция қилиш тизими беморларни комплекс реабилитация қилиш самарадорлигини оширишга, касаллик симптомлари зўрайишининг олдини олишга ва ногиронлик кўрсаткичларини камайтиришга хизмат қилади;

иккинчи илмий янгилик: ревматоид артрит фонида шаклланувчи психоэмоционал бузилишларнинг ҳаёт сифатининг кундалик фаолиятга эмоционал ҳолат таъсири (RE), руҳий саломатлик (MH), ҳаётий фаоллик (VT) ва ижтимоий фаолият (SF) кўрсаткичлари билан кучли тесқари корреляцион боғлиқлиги аниқланганлиги бўйича таклифлар «Ревматоид артрит касаллигида хавотирли-депрессив бузилишларни диагностикаси ва психотерапия алгоритми» номли услубий тавсиянома мазмунига киритилган (Тошкент тиббиёт академияси Илмий кенгашининг 2024 йил 31 январдаги 7-сон баённомаси). Ушбу таклифлар Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Миллий тиббиёт маркази амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2024 йил 10 февралдаги 09-13581-сон маълумотномаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* ревматоид артрит билан оғриган беморларда руҳий бузилишларни фақат соматик белгилар эмас, балки когнитив ва шахсий психодинамик омиллар билан уйғунликда эрта аниқлаш имконияти яратилиб, беморларни даволашда мажмуавий ва индивидуаллаштирилган ёндашувни қўллаш, ижтимоий изоляция хавфини камайтириш ҳамда уларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичларини барқарорлаштиришга хизмат қилди. *Иқтисодий*

самарадорлиги: беморларнинг ҳаёт сифатига таъсир этувчи психологик омилларни тўғри баҳолаш ва даволаш жараёнини тизимли ташкил этиш, стационар босқичдаги асоссиз харажатларни оптималлаштириш ҳисобига бир нафар бемор учун ўртача 2100000 сўм миқдорида иқтисодий самара берди. *Хулоса:* беморларнинг ҳаёт сифатига салбий таъсир этувчи кўп қиррали омилларни эрта босқичларда аниқлаш ва тизимли таҳлил қилиш ревматологик ва психологик ёрдам кўрсатиш сифатини оширишга ҳамда мақсадли реабилитация дастурларини самарали йўлга қўйишга хизмат қилади;

учинчи илмий янгилик: ревматоид артрит билан оғриган беморларда когнитив-бихеворал психотерапияни қўллаш натижасида психоэмоционал симптомлар 42,6% га камайиши, оғриқни субъектив қабул қилиш кўрсаткичлари яхшиланиши ва мослашувчан копинг-стратегиялар шаклланиши исботланганлиги бўйича таклифлар «Ревматоид артрит касаллигида хавотирли-депрессив бузилишларни диагностикаси ва психотерапия алгоритми» номли услубий тавсиянома мазмунига киритилган (Тошкент тиббиёт академияси Илмий кенгашининг 2024 йил 31 январдаги 7-сон баённомаси). Ушбу таклифлар Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Миллий тиббиёт маркази амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2024 йил 10 февралдаги 09-13581-сон маълумотномаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* Ревматоид артрит билан касалланган беморларда когнитив-бихевиорал психотерапия усулини қўллаш орқали оғриққа нисбатан субъектив чидамлилиқни ошириш ва касаллик билан боғлиқ стрессни енгишнинг ижобий (мослашувчан) стратегияларини шакллантириш имконини бериб, беморларда руҳий тушкунлиқни камайтиришга, даволанишга бўлган мотивацияни оширишга ва уларнинг кундалиқ ижтимоий фаоллигини барқарор сақлашга хизмат қилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* психотерапевтик ёндашув ёрдамида беморларнинг руҳий ҳолатини яхшилаш ва соматик жараённинг ремиссиясини тезлаштириш, натижада дори воситалари истеъмолини оптималлаштириш ҳисобига бир нафар бемор учун ўртача 2100000 сўм миқдорида иқтисодий самара берди. *Хулоса:* когнитив-бихевиорал психотерапия усулини ревматологик амалиётга интеграция қилиш ва хавотир-депрессив бузилишларни эрта босқичларда аниқлаш беморларни комплекс реабилитация қилишнинг самарадорлигини оширишга ҳамда уларнинг ҳаёт сифатини сезиларли яхшилашга хизмат қилади;

тўртинчи илмий янгилик: ревматологик ва психотерапевтик ёндашувларнинг интеграциялашган модели депрессив симптомлар частотасини 1,8 баробарга камайтириши, ҳаёт сифати индексини 27,3% га ошириши ҳамда беморларнинг функционал ва ижтимоий мослашувини яхшилаш имконини бериши исботланганлиги бўйича таклифлар «Ревматоид артрит касаллигида хавотирли-депрессив бузилишларни диагностикаси ва психотерапия алгоритми» номли услубий тавсиянома мазмунига киритилган (Тошкент тиббиёт академияси Илмий кенгашининг 2024 йил 31 январдаги 7-сон баённомаси). Ушбу таклифлар Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Миллий

тиббиёт маркази амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2024 йил 10 февралдаги 09-13581-сон маълумотномаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* ревматоид артрит билан оғриган беморларни даволаш жараёнига когнитив-бихевиорал психотерапияни интеграция қилиш психопатологик симптомларнинг ревматологик жараён билан ўзаро салбий таъсирини камайтириш имконини берди. *Иқтисодий самарадорлиги:* ревматологик ва психотерапевтик ёрдамни бирлаштирган ҳолда кўрсатиш, такрорий асоссиз текширувларни камайтириш ва стационар кунларини оптималлаштириш ҳисобига бир нафар бемор учун ўртача 2100000 сўм миқдорида иқтисодий самара берди. *Хулоса:* ревматоид артритда рухий ва жисмоний ҳолатдаги ўзгаришларни эрта босқичларда аниқлаш ҳамда мултидисциплинар ёндашув асосида коррекция қилиш тизими беморларни комплекс реабилитация қилишнинг юқори самарадорлигини таъминлашга ва касалликнинг оғир асоратларини олдини олишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари жами 4 та, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси юзасидан жами 21 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 5 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган ихтисослашган нашрларда ёритилган бўлиб, уларнинг 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Илмий ишининг умумий ҳажми 120 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган бўлиб, изланишнинг мақсад ҳамда вазифалари, предмети ва объекти аниқ баён этилган. Шу билан бирга, мазкур ишнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига тўлиқ мувофиқлиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари атрофлича ёритилган. Бундан ташқари, қўлга киритилган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилиб, диссертациянинг таркибий тузилиши, эълон қилинган илмий ишлар ҳамда тадқиқот хулосаларининг амалиётга татбиқ этилиши тўғрисида батафсил маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг «Ревматоид артритда психоэмоционал бузилишларнинг клиник-психологик асослари ва замонавий илмий ёндашувлар» деб номланган адабиётлар шарҳи бобида мавзуга оид маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили кенг ёритилган. Унда ревматоид артритнинг глобал тарқалиши, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра

аҳоли орасида ушбу касалликнинг юқори учраш частотаси ва унинг сурункали кечиши туфайли ногиронликка олиб келувчи асосий омиллардан бири эканлиги таҳлил қилинган. Шунингдек, МДХ давлатлари ва Марказий Осиё ҳудудида ревматоид артритнинг эпидемиологик хусусиятлари, унинг ёш ва жинсга боғлиқ тарқалиш кўрсаткичлари ҳамда ижтимоий-тиббий аҳамияти ҳақида замонавий маълумотлар умумлаштирилган. Бобда ревматоид артритда кузатиладиган психоэмоционал бузилишларнинг клиник структураси, жумладан депрессия, хавотирли бузилишлар, астеник синдром ва когнитив дисфункциялар кенг ёритилган. Ушбу бузилишларнинг касаллик фаоллиги, оғриқ синдроми, функционал чекланиш ва сурункали яллиғланиш жараёнлари билан ўзаро боғлиқлиги илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шу билан бирга, психоэмоционал ҳолатнинг беморларнинг ҳаёт сифатига, даволашга бўлган комплаентлигига ва касаллик прогнозига таъсири ҳақидаги адабий манбалар атрофлича ўрганилган.

Диссертациянинг **“Ревматоид артритда хавотирли-депрессив бузилишларнинг эмпирик ўрганилиши”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот усуллари ва материаллар тавсифланган ва шакллантирилган. Ушбу илмий тадқиқот 2021 йилдан 2023 йилгача бўлган давр оралиғида ТДТУ кўп тармоқли клиникасининг ревматология бўлимида ревматоид артрит ташхиси билан даволанаётган беморларни ўз ичига олади. Барча беморлар илмий тадқиқот ҳақида маълумотга эга бўлдилар ва илмий тадқиқотда иштирок этишга рози бўлдилар. Илмий тадқиқотга 105 нафар бемордан иборат бўлиб, улардан 92 нафари аёл ва 13 нафари эркак бўлиб, уларнинг ёши 21 ёшдан 55 ёшгача (ўртача ёши $47,9 \pm 0,60$ ёш) кўрсаткични ташкил қилди. Амалий соғлом одамлардан ташкил топган назорат гуруҳи ($n=30$) ҳам ўрганилди. Уларнинг ўртача ёши $20,0 \pm 0,34$ ёшга тенг бўлди.

Тадқиқот икки босқичда олиб борилди: биринчи босқичда махсус ишлаб чиқилган тиббий-психологик анкеталар ва психометрик сўровномалар орқали ревматоид артрит билан касалланган беморларда ривожланган психоэмоционал бузилишларни даражаларини аниқлаш, иккинчи босқичда болаларда аниқланган психоэмоционал бузилишларни махсус тиббий психологик алгоритм асосида психокоррекция олиб борилди. Клиник изланишда қўлланилган комплекс даволаш методларининг самарадорлигини қиёсий баҳолаш мақсадида жами 105 нафар бемор иккита мустақил гуруҳга ажратилган ҳолда кузатувга олинди. Биринчи (асосий) гуруҳ таркибидаги 51 нафар беморда стандарт базис терапия фонида когнитив-бихевиорал психотерапия ва психофармакотерапия (антидепрессант ҳамда анксиолитиклар) биргаликда қўлланилди. Иккинчи (таққослаш) гуруҳига эса анъанавий базис даво билан бир қаторда рационал психотерапия ва психофармакотерапия усуллари татбиқ этилган 54 нафар бемор киритилди.


Олиб борилган психотерапевтик таъсирнинг клиник самарасини даволашдан олдинги ва кейинги экспериментал-психологик методикалар мажмуи ёрдамида аниқлаш ҳамда натижаларни ўзаро солиштириш учун назорат гуруҳи ҳам шакллантирилди. Ушбу гуруҳ таркибида ҳеч қандай

соматик ёки руҳий патологиялари кузатилмаган 30 нафар амалий соғлом шахслар психодиагностик кўрикдан ўтказилди.

Диссертациянинг «Ревматоид артритда хавотирли-депрессив бузилишлар структураси ва динамикаси» деб номланган учинчи бобида ревматоид артрит билан касалланган беморларда психоэмоционал бузилишлар тахлили, депрессия ва хавотир бузилишларини клиник структураси тахлиллари ва касалликка чалинган беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичлари келтирилган.

Ўтказилган тадқиқот мобайнида ҳар иккала гуруҳ беморларини даволашдан аввал, уларнинг ҳаёт анамнезига, касалликнинг клиник симптомларини қай даражада ифодаланганлигига, биокимёвий лаборатор текширувлар ва беморларнинг ёндош касалликларига эътибор берилди.


Олинган натижалар I ва II гуруҳлар кесимида таҳлил қилинганда, ревматоид артрит билан оғриган беморларнинг деярли барчасида турли даражадаги хавотир белгилари аниқланди. I гуруҳда субклиник хавотир (ўрта даража) 24,1% ҳолатда қайд этилган бўлса, клиник ифодаланган хавотир (оғир даража) беморларнинг 75,9% қисмини ташкил этди. II гуруҳда эса субклиник хавотир 25,5% ва клиник хавотир 74,5% беморларда учради. Назорат гуруҳида эса беморларнинг 100% қисмида хавотир даражаси меъёردа (енгил даражада) эканлиги кузатилди (1-расмга қаранг).



1-расм. I ва II гуруҳларда ўтказилган хавотир кўрсаткичи таҳлили


I. гуруҳда депрессия йўқлиги фақат 7,4% беморда қайд этилган бўлса, субклиник депрессия 35,2% ва клиник ифодаланган депрессия беморларнинг 57,4% қисмида аниқланди. II гуруҳда депрессия белгилари кузатилмаган иштирокчилар 9,8% ни ташкил этди. Ушбу гуруҳда субклиник депрессия 49,0% ва клиник депрессия 41,2% беморларда қайд этилди (2-расмга қаранг).

SF-36 сўровномаси тахлили шуни кўрсатдики, ҳар икки гуруҳда ҳам ҳаёт сифати кўрсаткичлари меъёрдан сезиларли паст бўлиб, беморлар бир хил даражадаги дезадаптация ҳолатида бўлган. Хусусан, ҳар икки гуруҳ учун ҳам энг паст ва критик кўрсаткичлар эмоционал рол чекланиши RE (15,4 ва 16,2) ҳамда жисмоний рол чекланиши RP (27,0 ва 28,5) шкалаларида кузатилди.



2-расм. I ва II гуруҳларда ўтказилган депрессия кўрсаткичи таҳлили

Бу ҳолат ревматоид артрит натижасида беморларнинг жисмоний ва эмоционал имкониятлари кундалик ҳаёт фаолияти учун кескин чекланганини англатади. Шунингдек, ҳар икки гуруҳда ҳам ижтимоий фаолият SF (37,5 ва 38,2) ва ҳаётий фаоллик VT (30,9 ва 31,4) кўрсаткичларининг пастлиги сурункали оғриқ ва хавотир синдроми беморларнинг ижтимоий изоляциясига ва ҳаётий тонусининг пасайишига бирдек сабаб бўлганлигини тасдиқлайди (3- расмга қаранг).



3-расм. SF-36 компонентлари бўйича ҳаёт сифати натижалари (I ва II гуруҳ таққосланиши)

Диссертациянинг «Ревматоид артритда тиббий-психологик ёрдам самарадорлиги» деб номланган тўртинчи бобида беморларда психокоррекция ўтказилгандан кейинги натижалар тақдим этилган.

Ревматоид артрит билан касалланган беморларда ривожланган психоэмоционал бузилишларни коррекция қилиш индивидуал тарзда олиб борилди. Беморларда психокоррекция жараёнлари махсус ишлаб чиқилган тиббий-психологик алгоритм асосида олиб борилди.

Ушбу мақсадда беморлар икки гуруҳга ажратилди: I гуруҳ (n=54) - базис даво ва ПФТ билан бирга когнитив-бихевиорал терапия (КБТ) қўлланди. Терапия 10-12 сеанс давомида ўтказилиб, ноадаптив автоматик фикрларни аниқлаш, когнитив қайта тузиш ва хулқ-атвори модификация қилишга йўналтирилди. II гуруҳ (n=51) - базис даво ва ПФТга қўшимча равишда рационал психотерапия қўлланди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Психофармакотерапия ва психотерапия қўлланилгандан сўнг хавотир кўрсаткичини солиштирма таҳлили

Гуруҳлар		I гуруҳ, n=54		II гуруҳ, n=51		χ^2 , pI - II
		abs.	%	abs.	%	
HADS хавотир (даводан олдин)	хавотир йўқ	0	0,0	0	0,0	-
	субклиник хавотир	13	24,1	13	25,5	$\chi^2=0,03$; p>0,05
	клиник хавотир	41	75,9	38	74,5	$\chi^2=0,03$; p>0,05
HADS хавотир (3 ойдан кегин)	хавотир йўқ	10	18,5	0	0,0	-
	субклиник хавотир	42	77,8	17	33,3	$\chi^2=21,05$; p<0,01
	клиник хавотир	2	3,7	34	66,7	$\chi^2=46,15$; p<0,001
χ^2 ; p _{олд-3 ой}	хавотир йўқ	-		-		
	субклиник хавотир	$\chi^2=31,16$; p<0,001		$\chi^2=0,76$; p>0,05		
	клиник хавотир	$\chi^2=58,77$; p<0,001		$\chi^2=0,76$; p>0,05		
HADS хавотир (6 ой кейин)	хавотир йўқ	47	87,0	5	9,8	$\chi^2=62,59$; p<0,001
	субклиник хавотир	7	13,0	30	58,8	$\chi^2=24,17$; p<0,01
	клиник хавотир	0	0,0	16	31,4	$\chi^2=16,85$; p<0,01
χ^2 ; p _{олд-6 ой}	хавотир йўқ	-		-		
	субклиник хавотир	$\chi^2=2,21$; p>0,05		$\chi^2=11,62$; p<0,01		
	клиник хавотир	$\chi^2=62,34$; p<0,001		$\chi^2=19,05$; p<0,01		
χ^2 ; p _{3 ой-6 ой}	хавотир йўқ	$\chi^2=50,86$; p<0,001		-		
	субклиник хавотир	$\chi^2=45,76$; p<0,001		$\chi^2=6,67$; p<0,05		
	клиник хавотир	-		$\chi^2=12,71$; p<0,01		

Изоҳ: *- фарқлар ишончли (-p<0,05; p<0,01)

Диссертация ишининг асосий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, I ва II гуруҳ беморларда қўлланилган базис ревматологик терапия,

психофармакотерапия (ПФТ) ҳамда психокоррекцион тадбирларнинг самарадорлиги динамик кузатув асосида баҳоланди. Психоэмоционал ҳолатдаги ўзгаришлар Hospital Anxiety and Depression Scale (HADS) шкаласи ёрдамида аниқланиб, хавотир ва депрессив симптоматиканинг ифодаланиш даражаси даволаш бошланишидан олдин, 3 ой ва 6 ойдан сўнг қайта таҳлил қилинди. Шунингдек, терапия жараёнида психоэмоционал ҳолатнинг клиник кечиш, оғриқ синдроми интенсивлиги, функционал чекланиш даражаси ва беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичларига таъсири ҳам комплекс баҳоланди. Олинган натижалар асосида психокоррекцион ва психофармакологик ёндашувларнинг ревматоид артрит билан оғриган беморларда эмоционал барқарорликни тиклаш ва ижтимоий мослашувни яхшилашдаги аҳамияти таҳлил қилинди.

HADS хавотир шкаласи натижалари таҳлиliga кўра, даволаш бошланишидан аввал I гуруҳ беморларининг 75,9%ида ва II гуруҳ беморларининг 74,5%ида клиник аҳамиятга эга хавотир симптоматикаси аниқланди, бу эса ревматоид артрит фонида психоэмоционал бузилишлар юқори даражада тарқалганлигини кўрсатди. I гуруҳда когнитив-бихеворал терапия (КБТ) билан комплекс даволаш қўлланилганидан сўнг психоэмоционал ҳолатда сезиларли ижобий динамика кузатилди. Хусусан, 3 ойлик кузатувда клиник хавотир даражаси кескин пасайиб, фақат 3,7% беморда сақланиб қолгани қайд этилди, беморларнинг 18,5%ида эса хавотир симптомлари тўлиқ бартараф этилди.

6 ойлик динамик кузатув якунларига кўра, I гуруҳда клиник даражадаги хавотир ҳолатлари умуман кузатилмади. Беморларнинг 87,0%ида HADS шкаласи бўйича хавотир белгилари тўлиқ регрессияга учраган бўлса, қолган беморларда фақат субклиник даражадаги енгил эмоционал ўзгаришлар сақланиб қолди. Олинган натижалар когнитив-бихеворал терапияни базис даволаш билан комплекс қўллаш ревматоид артрит билан оғриган беморларда хавотир симптоматикаси интенсивлигини камайитириш, эмоционал барқарорликни тиклаш ва психоижтимоий мослашувни яхшилашда юқори самарадорликка эга эканлигини кўрсатди (2-жадвалга қаранг).

II гуруҳ (рационал психотерапия қўлланган): 3 ойдан сўнг клиник хавотир 66,7% беморда сақланиб қолди, хавотир йўқ даражаси эса қайд этилмади. 6 ой якунида эса клиник хавотир даражаси пасайиб, 31,4%ни ташкил этди, лекин фақат 9,8% беморда хавотир йўқлиги қайд этилди. Ушбу натижалар шуни кўрсатадики, КБТ хавотир даражасини камайитиришда рационал психотерапияга қараганда анча юқори самарадорликка эга бўлди.

I гуруҳда (КБТ қўлланган): даволаш бошланишида клиник ифодаланган депрессия беморларнинг 57,4% қисмида қайд этилган бўлса, 3 ойлик кузатувдан сўнг ушбу кўрсаткич 13,0% га камайиб, 44,4% ни ташкил этди. Кузатувнинг 6-ойи якунига келиб, ушбу гуруҳда клиник депрессия симптомлари деярли тўлиқ бартараф этилди (0,0%). Натижада мазкур гуруҳда клиник депрессия даражасининг умумий қисқариши 88,8% ни ташкил этиб, юқори статистик ишончлиликлка эга бўлди ($p < 0,001$).

Психофармакотерапия ва психотерапия қўлланилгандан сўнг депрессия кўрсаткичини солиштирма таҳлили

Гуруҳлар		I гуруҳ, n=54		II гуруҳ, n=51		χ^2 , p I - II
		абс.	%	абс.	%	
HADS депрессия (олдин)	Депрессия йўқ	4	7,4	5	9,8	$\chi^2=0,19$; p>0,05
	Субклиник депрессия	19	35,2	25	49,0	$\chi^2=2,06$; p>0,05
	Клиник депрессия	31	57,4	21	41,2	$\chi^2=2,76$; p>0,05
HADS депрессия (3 ойдан кегин)	Депрессия йўқ	5	9,3	5	9,8	$\chi^2=0,01$; p>0,05
	Субклиник депрессия	25	46,3	25	49,0	$\chi^2=0,08$; p>0,05
	Клиник депрессия	24	44,4	21	41,2	$\chi^2=0,11$; p>0,05
χ^2 ; p _{ол-3 ой}	Депрессия йўқ	$\chi^2=0,12$; p>0,05		$\chi^2=0,0$; p>0,05		
	Субклиник депрессия	$\chi^2=1,38$; p>0,05		$\chi^2=0,0$; p>0,05		
	Клиник депрессия	$\chi^2=1,82$; p>0,05		$\chi^2=0,0$; p>0,05		
HADS депрессия (6 ой кейин)	Депрессия йўқ	30	55,6	5	9,8	$\chi^2=24,71$; p<0,01
	Субклиник депрессия	24	44,4	28	54,9	$\chi^2=1,15$; p>0,05
	Клиник депрессия	0	0,0	18	35,3	-
χ^2 ; p _{ол-6 ой}	Депрессия йўқ	$\chi^2=29,02$; p<0,001		$\chi^2=0,0$; p>0,05		
	Субклиник депрессия	$\chi^2=0,97$; p>0,05		$\chi^2=0,35$; p>0,05		
	Клиник депрессия	$\chi^2=39,97$; p<0,001		$\chi^2=0,37$; p>0,05		
χ^2 ; p _{3 ой-6 ой}	Депрессия йўқ	$\chi^2=26,42$; P<0,001		$\chi^2=0,0$; p>0,05		
	Субклиник депрессия	$\chi^2=0,04$; p>0,05		$\chi^2=0,35$; p>0,05		
	Клиник депрессия	$\chi^2=27,53$; P<0,001		$\chi^2=0,37$; P>0,05		

Изоҳ: *- фарқлар ишончли (-p<0,05; p<0,01)

II гуруҳда (рационал психотерапия қўлланган): тадқиқот бошланишида клиник депрессия даражаси 41,2% ни ташкил қилган бўлса, 3 ойлик муддат ичида ижобий динамика кузатилмади ва кўрсаткич барқарор қолди. 6 ойлик кузатув натижаларига кўра, клиник депрессия даражаси атиги 12,0% га пасайиб, 35,3% ни ташкил этди. Ушбу гуруҳда депрессив бузилишларнинг умумий қисқариш кўрсаткичи 29,2% билан чегараланди.

Олинган маълумотлар шуни тасдиқлайдики, Когнитив-бихевиорал психотерапия (КБТ) усули депрессив бузилишларни коррекция қилишда анъанавий рационал психотерапияга нисбатан сезиларли даражада юқори самарадорлик намоиш этди. Бу эса КБТнинг ревматоид артритда учрайдиган депрессияни бартараф этишдаги мақсадли ва барқарор таъсирини илмий жиҳатдан асослайди. ЖССТ соғлиқни фақат биомедик кўрсаткичлар билан эмас, балки ҳаёт сифати билан баҳолашни тавсия этади. SF-36 соғлиқ билан боғлиқ ҳаёт сифати сўровномаси компонентлари бўйича ўтказилган динамик таҳлил натижалари ревматоид артрит билан касалланган беморларда психокоррекция ёндашувининг, хусусан, когнитив-бихевиорал терапия (КБТ) билан комбинацияланган фармакотерапиянинг юқори самарадорлигини яққол намоён этди. Тадқиқотда баҳолаш дастлабки ҳолатда, 3 ой ва 6 ойлик даволашдан сўнг амалга оширилди.

